



**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА**

**Илм-фан бўлими (электрон журнал)**

**2020 йил декабрь**

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2020 йил декабрь ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Таҳрир кенгаши**

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
А.С.Сагдуллаев	А.Асқаров
С.С.Ғуломов	Д.Ю.Юсупова
Ф.Г.Назирова	А.Х.Саидов
Р.Д.Курбанов	Т.Ў.Арипова
М.Ҳ.Рустамбоев	Қ.Р.Аллаев
Ш.Т.Қудратхўжаев	С.М.Туробжонов
Н.А.Ҳусанов	И.С.Саифназаров
	Г.А.Мардонова

**Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

<b>С.МАХСУМОВА.</b> Таҳририятлар менежменти — мақсад, шакл ва ташкилий жиҳатлари.....	194-203
<b>М.Б.САЙДАЛИЕВА.</b> Интертекстуаллик ва прецедент номлар.....	204-211
<b>Ж.З.ТУРДИЕВ.</b> “Меърожнома” асарининг париш нусхаси ва унинг матн компонентлари.....	212-220
<b>Д.Т.САГАТОВ.</b> Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.....	221-228

### *Фалсафа*

<b>Ф.Д.МУЗАФФАРОВ.</b> Имом Ғазолий рационализи ва билиш назариясининг ўзига хослиги.....	229-238
<b>М.А.МАТНАЗАРОВА.</b> Глобаллашув жараёнида миллатлараро муносабатлар ва этномаданий жараёнлар.....	239-246

### *Техника*

<b>Б.М.ХУДАЯРОВ.</b> Дискдан улоқтирилаётган минерал ўғитларнинг бошланғич тезлигини ошириш усули ва унинг техник ечими.....	247-258
<b>А.Н.БОРОТОВ.</b> Балиқчилик хўжаликлари учун кўк пояли озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.....	259-267
<b>Н.А.АШУРОВ.</b> Лалми ерларда ғаллани йиғиштиришда комбайнлар учун сомон йиғиштириш мосламасини ишлаб чиқишнинг долзарблиги.....	268-276
<b>Ш.Ҳ.ГАППАРОВ.</b> Чорвачилик хўжаликлари учун прессланган озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш.....	277-283

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал)  
2020 йил, декабрь сони**

**Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй**

**Фалсафа**

**ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ РАЦИОНАЛИЗМИ ВА  
БИЛИШ НАЗАРИЯСИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**УДК 1(091)(55)**

**Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ**

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

**Аннотация**

Ушбу мақолада Ғаззолийнинг рационалистик таълимоти, унда ақл ва унинг моҳияти, даражалари, ақл-руҳ, нафс-ақл, ақл-қалб муносабатлари, шубҳа, шубҳалар амалиётида ақлнинг ўрни масалалари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** рационализм, ақл, руҳ, нафс, қалб, идрок, туйғу, тасаввур, шубҳа.

**РАЦИОНАЛИЗМ И ОСОБЕННОСТИ ТЕОРИИ ПОЗНАНИЯ ИМАМА  
ҒАЗЗОЛИ**

**УДК 1(091)(55)**

**Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ**

доктор философии по философским наукам (PhD)

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

**Аннотация**

В этой статье анализируется рационалистическое учение Газзали, в котором говорится о разуме и его сущности, уровнях, о взаимоотношениях разума, души и сердца, о скепсисе и роли разума в практике сомнений.

**Ключивые слова:** рационализм, разум, душа, корысть, сердце, восприятие, чувство, воображение, подозрение.

Ҳозирга қадар инсониятнинг фалсафий, маданий, маънавий ҳамда ахлоқий хазинасини бойитиб келаётган буюк мутафаккир, мутасаввуф ва файласуф Имом Ғаззолий шахсияти илм-фан тараққиёти ва ривожда юксак аҳамият касб этади. У илмий фаолияти ва ҳаёти билан Шарқ ва Ғарб фалсафа илмига ўз ҳиссасини қўшиб, ғоявий-мафкуравий, сиёсий, маданий ва ахлоқий қарашларнинг шаклланишига таъсир ўтказди. Шу сабабли, ҳозирда ҳам

Ғаззолийни ким “...мутафаккирми, файласуфми, фақиҳми, мутакаллимми ё мутасаввуфми бўлганлиги тўғрисидаги баҳслар ҳалигача тўхтагани йўқ” [1].

Имом Ғаззолийнинг рационалистик таъмотига эътибор қаратар эканмиз у ўз асарларида ақл тушунчасини турли хил номларда қўллаганлигини кўриш мумкин. Унинг мулоҳазаларига кўра, инсоннинг қалбида камол сифатлари бўлган бир кўз мавжуд бўлиб, унга баъзан ақл, баъзан рух, баъзан эса инсоний нафс дейилади. Энг аҳамиятли томони исмларнинг кўплилигида эмас. Чунки, заиф идрокка эга бўлган кишилар номнинг кўплигидан уларнинг маънолари кўп бўлганлиги тўғрисида фикр юритадилар. Ғаззолий нафс, ақл, инсоний нафс деганда ақлни эмизикли боладан, ҳайвондан ва дилдан фарқли маънони мақсад этади. Ўзидан один ўтган уламолар унга нисбатан ақл тушунчасини қўллагани учун Ғаззолий бу калимани қўлламоқни уйғун кўради.

Мутафаккир ўзининг “Мишкот ул-анвор” (Нурлар меҳроби) деб номланган рисоласида ақлни баъзан нур исми ўрнида қўллайди [2]. Яъни ақл унга кўра, аниқ нарсалар идрокига мос қобилият бўлиб, бу қобилият турли хил номлар билан англашилсада, асл мақсад этилган нарса ақл бўлгани билинмайди. Ғаззолий “ақл” тушунчасини қўллар экан, айтилишида “рух, нафс, қалб” каби тушунчалар орқали ақлни мақсад этади. Бу тушунчаларнинг ақл билан алоқасини ҳам ўзига хос тарзда таҳлил этади.

Ғаззолий ақл-Рух муносабати ҳақида фикр юритар экан “Мишкот ул-анвор” (Нурлар меҳроби) рисоласида ўзининг тушунча системасидан келиб чиқиб, рухнинг мартабаларини қуйидаги шаклда кўрсатади:

1. Ҳис-туйғулар руҳи (Ар рухҳул хассос). Унинг нурлари бир неча тешиқдан – кўз, қулоқлардан, бурун тешиқларидан ва ҳоказолардан ўтиб кетади. Аллома бизнинг амалиётимизда бу учун энг мос келадиган ўхшашлик девордаги токча, деб кўрсатади. Бу рух ҳайвонларда ҳам бўлган, бутун туйғуларни олган рух. Ақл эса, мақсад этилган рухнинг мартабаси эмас. Фақат инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари ҳайвонларникидан кўра ўлчовлидир. Бу ерда ақл рухнинг мартабасига таъсир этади.

2. Иккинчи рух – тасаввур руҳи (Ар руҳхул хайалий). Туйғу маълумотларини қайд этади ва кераклисини ўзидан устун бўлган ақлий руҳга тақдим этиш учун сақлайди. Боланинг ривожланиш даврида бу рух йўқ.

3. Ақл-идрок руҳи (Ар руҳхул ақлий). Ёлғиз инсонга хос бўлган жавҳар. Имом Ғаззолийда рух дея мақсад этилган ақл аслида шу. Бу ақлнинг энг олд мартабасини вужудга келтиради. Тушунчанинг тамали ва инсонни ҳайвондан ажратадиган тамал нуқтадир.

4. Идрок қилиш руҳи (Ар руҳхул фикрий). Яширин ақлий бўлган илмларни олиб, улар орасида синфларга ажратиб, билимларни ўртага чиқарадиган рух. Ғаззолий таъбири билан айтганда “унинг хусусияти шундан иборатки, у бир тасдиқни олиб иккига бўлади, бу икки кейин тўртга айланади ва шундай равишда мантиқий тасдиқнинг тақсимланиб кетиши жараёнида улар жуда кўпайиб кетади. Охирига келиб, навбати билан шундай хулосага олиб келадики, улар бу хулосалар пайдо бўлишининг куртаги бўлиб қолади ва уларни бирин-кетин такрорлаш мумкин”[2;55].

5. Пайғамбарларнинг юксак руҳи (Ар руҳхул қудсий ан набави). Бу рух билан пайғамбарларга ғайб олами очилади. Ақлнинг энг юқори мартабаси шу.

Ғаззолий ўзининг қарашларида “Рух Раббимнинг амридандир” деган оятидан мақсад этилган маъно ақл ва рух орасидаги алоқага ўрнақдир, деб кўрсатади. Бундан кўринадики, Ғаззолий қарашларида рухнинг турли хил фарқли маъноларда келганини кўрмаймиз. Фақат ақл-рух муносабатида ақл, рухнинг бир хусусияти, мартабасидир.

Нафс-ақл муносабати тўғрисида фикр юрита туриб, аллома нафс ва ақл тушунчаларини бир-бирининг ўрнида қўллайди. Унингча, инсоннинг ўзига хослиги шу нарса туфайлидирки, бу ҳам бўлса нафсдир. Бу ерда ақл инсонни жавобгар қилган ўзига хос хусусият шаклида тасвирланади.

Ғаззолий ақл-қалб муносабатини қуйидаги ўхшатма асосида таҳлил этади. Танани – мамлакатга, қўл-оёқни – хунармандга, шаҳватни – солиқ йиғувчи-га, ғазабни – тунги подшоҳга, қалбни – мамлакат подшоҳига, ақлни

– вазирга қиёслайди. Подшоҳни буларнинг барчасига эҳтиёжи бор. Инсон вужудининг идораси фақат булар билан бўлади. [3]

Бу ерда қалб, ақлдан устун ва доимий алоқали бир хусусият бўлиб кўринади. Қалб қаерга йўналса ақлнинг идроки ҳам у томонда бўлади. Ақл, қалб учун яратилган ҳолда, унинг шами ва қандили бўлиб, унга нур тутиш вазифаси юкланади [3;30]. Бу нуқтада Ғаззолий ақлни, қалбнинг бир хизматчиси ўрнида кўради.

**Ақлнинг таърифи:** Ғаззолий “Ихёу улумид-дин” асарида ақлни шундай таърифлайди: “Ақл яратилишдаги бир ғариза ва ўзи билан ашённинг ҳақиқатини идрок этадиган асл бир нурдир” [4].

Мутафаккир ақлни фақат бу шаклда эмас, балки ақлнинг инсонга устунлик берувчи баъзи таърифларини келтиради. Инсонга хос нафси-нотика қувватларини иккига бўлади.

1. Омил қувватлар (Ишловчи қувватлар). Бундан тажрибавий ақл мақсад этилади.

2. Олим қувватлар (Билувчи қувватлар). Булар билан ақл қувват ҳолида мақсад этилади.

Ғаззолий икки қувватга ҳам ақл номини қўллайди. Омил қувватларини ўзига қиёслаганда ҳам алоҳида устунлиги борлигини кўрсатади. Инсон булар соясида ҳайвондан фарқланади. Яъни, Ғаззолий дин асослари тафсилотларининг якуни назарий ақл билан амалий ҳолат орасида туғилган қарашлардан иборат [5], деб тушунтиради.

Ғаззолийнинг ақлга берган таърифларидан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни айтиш мумкин. Ақл инсонни ўзига хос хусусият ва илоҳий хитобга суҳбатдош қилган нарса. Ақлнинг икки томони бор. Биринчиси ашённинг ҳақиқатини билиш, иккинчиси қалбдаги илм сифати билан бир хил нарса. Ақл – рух, қалб, нафс каби тушунчалар билан яқин маънода қўлланилади. Ақл инсонда истеъдод ҳолида мавжуд бўлиб, ушбу тушунча бир қанча маънода келади. Шу сабабли, Ғаззолий инсон ақлнинг ёлғиз бир маънода келганини ўйламоқ янглишмоқдир [6], деб ёзади.

**Ақлнинг моҳияти:** Ақлнинг моҳияти ҳақидаги Ғаззолий тушунчаларини қуйидагича ифодалаш мумкин. Ақлда баъзи ҳозир билимлар бор.

а) Бир нарса ҳам ҳодис, ҳам қадим бўла олмайди.

б) Бир нарса ҳам бор, ҳам йўқ бўла олмайди.

с) Бир сўз ҳам тўғри, ҳам ёлғон бўла олмайди.

д) Бир ҳукм бир нарса учун жоиз бўлганда, у нарсанинг ўхшаши учун ҳам жоиздир.

е) Хусусий мавжуд бўлгунча умумийнинг ҳам мавжуд бўлиши лозим эмас [2;23].

Ғаззолий қарашларига кўра, ақл туғилишида баъзи билимлар билан ҳозир ҳолда туғилади. Идрок этилган баъзи билимлар борки, ҳар доим ақлда ҳозир эмас. У дин билан ақл мавзусида шу қарорга келади: Зоҳирий кўз учун куёш нури қай даражада зарур бўлса, ақл учун ҳам Қуръон айнаи шу даражададир [2;23].

Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, ақл тўрт маънода ишлатилади. [6;216].

1. Ақл – инсонни ҳайвонлардан ажратиб турадиган сифат. Ҳайвоннинг жонсиз нарсалардан фарқи ҳаёт деб номланган тушунча билан, шунинг каби инсон ҳам назарий илмларни идрок этишда ҳайвондан ақл деб номланган махсус тушунча билан фарқланади. Демак, инсонлардаги илмларга бўлган ақл тушунчасининг ҳолати кўзнинг кўришга бўлган ҳолатига ўхшайди. Бу хусусият соясида инсон тушунмоқ фаолиятини ҳақиқатлаштиришга йўналиш билан биргаликда назарий илмларни ҳам ўрганишга ҳозир ҳолга келади.

Инсонни ҳайвондан ажратадиган хусусият бўлган ақлни фақат шу хусусият ҳолида англамоқ хато бўлиб, ҳаёт жиҳатидан инсон ва ҳайвон орасида бирор бир фарқ йўқ. Назарий илмларни идроки билан инсон ҳайвонлардан фарқланади. Бундан кўринадики Ғаззолийнинг бу таърифида ақл фақат назарий илмларни англаган бир унсур эмас. Зотан, Ғаззолийда ақл турли маъноларда қўлланганлигига кўра, англаш, сезиш каби руҳий та-



мойилларни ҳам ўз ичига олади. Бу ақл соясида бўлиб, инсонда илм майдонга келади. Ҳатти-ҳаракатлар уйғунлик ҳолатига келади. Ҳайвонлардан фарқи эса, бу нуқтада ўртага чиқадики, ҳатта-ҳаракатлари шуурида бўлган инсон буларга ақл соясида эришади.

2. Ақл – ажратувчи хусусият. Боланинг жоиз бўлган нарсаларни жоиз, муҳол бўлган нарсаларни муҳол деб қабул этиши. Иккиннинг бирдан кўп бўлганини, бир одамни бир вақтда икки ерда бўлолмаслигини билиши каби зарурий илмлар. Баъзи каломчиларнинг, ақл “мумкин бўлган нарсани бор бўла олишини, мумкин бўлмаганларини бўла олмаслигини англамоқ каби зарурий илмлар”, дея таъриф этганларидаги ғоялари ҳам шудир [6;216], дейди Ғаззолий. Аллома бу ерда каломчилар каби фикрлайди. Бизга маълумки у асарларида ҳам калом намояндаси, ҳам файласуф, ҳам мутасаввуф сифатида гадаланади. Яхшини ёмондан ажратиш ёки нафсига ҳоким бўлиш, ҳайвонларда бўлгани каби, болаларда ҳам бўлмайди.

3. Тажрибалардан ҳосил этилган илм ақл. Бу фикрни давом эттириб, мутасаввуф шундай дейди: “Кимки тажриба билан тобланса, фикр-қарашлар билан тарбияланса, у одатда ақлли; ким тажрибадан бир нарса англамаса, унга аҳмоқ ва жоҳил дейилади. Бу ақл номи берилган илмларнинг бошқа бир фарқли томони бўлиб, унга тажриба дейди.

4. Бир нарсанинг оқибатини ҳисобламоқ. Фитратда бўлган бу хусусият соясида ишларнинг натижасини ўйлаш ёки нафсининг баъзи ҳою-ҳавасларидан кеча билиш ақл орқали бажарилади. Ақлли кишилар орзуларга, дунёдаги ишларга эмас, ишларнинг натижасини тушунишга аҳамият берадилар. Бу ҳам инсонни бошқа жонлилардан фарқлайдиган хусусият. Бир нарса оқибатини ҳисоблайдиган ақл, янада юқори камолга эришади. Ўзининг ҳаётида ички дунёсини ҳисоблашга кирган Ғаззолий, ўз ҳаётида ҳам ақлнинг бу ривожини кўради. Мадрасада дарс берган вақтларида ёлғиз дунёвий орзулар учун дарс бергани шубҳасига боради.

Ғаззолий қарашларида ақлнинг моҳияти фақат бу тўрт қисмдан иборат эмас. У ўзининг “Амаллар тарозиси” деб номланган асарида ақлни қуйидагича таснифлайди.

1) Мутлақ ақл. Бу айнан қуёшга ўхшаш. Нур булоғини қуёшдан қандай олса, инсон ақлининг нур олган ёлғиз булоғи у дир. Бу ерда фаол ақл назарда тутилади.

2) Нисбий ақл. Бу ақл билан ашённинг ҳақиқатини тушунишга ёрдамчи бўлган, яхши-ёмонни ажратадиган ақл мақсад этилган [7]. Ақлнинг бу таснифи Ғаззолий таълимотида тамал нуқта ҳисобланади.

**Ақлнинг даражалари:** Ғаззолий ақлнинг даражалари ҳақида фикр юритар экан, ақлни моҳияти билан тушунишни назарда тутди. Ақлнинг моҳиятига кўра, даражалантириб, ақл инсонни ҳайвондан ажратадиган хусусияти билан асл булоқ, деб ҳисоблайди. Унингча, ёш инсоннинг фитратида бор. Бутун билимлар фитратдаги ушбу хусусиятда мавжуд. Истеъдод ҳолида ўзида мавжуд бўлган бу билимлар тупроқдаги сувнинг мавжуд бўлиши каби.

Тажриба асосида бажарилган илм эса, булоқнинг энг яқин кўлидир. Даража жиҳатидан иккинчи босқичда бўлади. Инсон истеъдодида бор бўлган ақлни қўллаган ҳолда яхшини ёмондан ажрата олса, бу ҳолда ақлга эришган ҳисобланади.

Бир ишнинг оқибатини нима бўлишини ўйлаган ақл, истеъдод ҳолида келган ақлнинг энг сўнгги меваси ҳисобланади. Ғаззолий “Жаҳолатдан сақланмоқ” номли рисоласида ушбу ақл даражасини “энг буюк ғоя” [8], деб ҳисоблайди.

Ғаззолий “Иҳёу улумиддин” асарида инсонларнинг ақл жиҳатидан фарқли эканликларини кўрсатади. У таълим-тарбияни ўзига фойда бериши жиҳатини тупроқ таркибининг хилма-хиллигига ўхшатади. “Баъзи ерларда сув тўпланади ва сўнг булоқ бўлиб оқиб чиқади, айрим ерларга ариқ қазиб, сув олиб борилади, айримларига эса сув борган-бормаганининг фарқи йўқ.

Бу тупроқ муҳитидаги фарқлиқдандир. Инсондаги фарқлар эса, ақлдаги фарқлиқдандир” [6;223].

Ғаззолий қарашларида шубҳа ва ақлнинг ўзаро боғлиқлигини билиш учун унинг шубҳалар амалиётидаги усулларини ўртага қўйиш керак. Алломанинг шубҳага берилишида ичида бўлган даврнинг таъсирлари бор эди. У яшаган даврда калом фалсафаси ва тасаввуф муаммолари ўртасида карама-қаршилик ва тортишишлар жуда авж олган давр эди. Ҳақиқатдан, Ғаззолий қарашларини таҳлил қилган вақтда бу давр таъсирлари билан кўз олдимизда гавдаланади. Шу нарса аёнки, фақатгина Имом Ғаззолий бундай бир даврнинг босқинига тутилиб, шубҳалар амалиётига кирмаган. Унинг шубҳадан мақсади ва аниқ усуллари бор эди. Ғаззолий қатъий илмни излар экан, шубҳалар амалиётида ўзини кашф этишга ҳаракат қилади. Чунки, унга кўра, қатъий илм “шубҳа уйғотмайдиган илм” эди. Қатъий билим шундай қатъий бўлиши керак эдики, у ҳеч шубҳа этилмайди даражада очик бўлиши шарт бўлиб, алданиш имкони қолмаслиги керак эди [8].

Ғаззолийнинг шубҳалар амалиётидаги асосий мақсади албатта бу эмас. У бутун шубҳаларида алоҳида иймон бутунлигини асраган ҳолда, исломнинг софлигини сақлаш, бундан ташқари ақл ва иймон нуқтасидаги саволларга жавоб излашга ҳаракат эди. У ўз қарашларида бир томондан Аристотел мантиғига таянса, иккинчи томондан ақлнинг метафизик ҳолатда чегараланганлигидан баҳс этади. Каломчиларнинг жадал ва назарий тортишувларида чегарадан ўтиб кетганлигини гапирар ва ўзининг қарашлари билан тўғриси ажратиб кўрсатар эди.

Шуни яхши англамоқ керакки, деб ёзади Ғаззолий ақлнинг назариялари билан хаёл ва ваҳмларнинг назария ва ваҳмлари алоҳида бўлиб, аслида ақл, хаёл ва ваҳмдан ҳалос бўлишида хато қилмайди. Аксинча, ашённи қандай бўлса шундай кўради. Фақат бу дунёда инсоннинг бу каби адашишларидан ҳалос бўлиши қийин. У каломчилар билан калом усулида, файласуфлар билан фалсафий тилда, мутасаввифлар билан сўфёна усулда ўз қарашларини ўртага қўйди. Ва иймон – ақл муносабатида ақлнинг иймондан алоҳида бир

соҳа эканлигини таҳлил этди. Ғаззолий ўз қарашларининг ҳақиқийлигини ўртага қўяр экан, фикрий етуклигининг вужудга келишида ўзидан аввалги салафлар анъаналаридан истеъфода этади. У айни вақтда танқид қилар экан, шунчаки қараш билан эмас, балки фалсафа ва фалсафа тарихини бевосита билган ҳолда танқидий бир усул излаган.

Имом Ғаззолийнинг шубҳалар амалиётида бир нечта асослар мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Ақлдан йўлга чиқиб, ақлга бўлган ишончсизлигини ўртага қўйиш.
2. Шубҳа ташимайдиган билимни топиш.
3. Билимга мавзу бўлган соҳаларнинг аралаштирилмаслиги кераклигини таъкидлаш.
4. Ақл ва туйғу органлари учун ҳамма вақт хато эҳтимолининг бўлишини кўрсатиш.
5. Аллоҳни билишнинг ақлий билиш билан эмас, илҳомга боғлиқлигини ҳимоя қилиш.

Ғаззолий ақлнинг муаммоларини таҳлил қилар экан, фойдаланган манбаларга келсак унинг шубҳа ташимаган билим қидиришида уч хил манбадан ҳаракат билан фикрий йўл қидирганлигини айта оламиз. Қуръон ва ҳадис, тасаввуфий манба, каломий ва фалсафий манба. Ғаззолий бутун диний ва фалсафий таълимотларни таҳлил қилган ва шубҳасини турли саҳифаларда амалга оширган.

1. Билимнинг манбаларига бўлган шубҳа. Буни ҳам иккига бўлади:
  - а) Туйғуларга бўлган шубҳаси.
  - б) Ақлга бўлган шубҳаси.
2. Турли гуруҳларни мушоҳада қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Ғаззолий ўзининг ислоҳотчилик, ақлпарварлик ва юксак инсонпарварлик, борлиқ, табиат, таафқкур, инсон, унинг ақли, иродаси кучига янгича муносабатларга йўл очганлиги билан бутун инсоният, бани башарият илғор тараққиётига безовол хизмат қилди. У ўз таълимотида салафлар анъаналари, дунёвий ақлпарварлик тасаввуфий-

ирфоний зоҳидликни бирлаштириш, уйғунлаштиришга интилиб, барчага маъқул келиши мумкин бўлган – “Ислом дини, шариат” тизимини яннгитдан яратди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қоҳира, Дор қибойл-ит-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзиъ, 1988. – С.7.
2. Hücetül-İslâm İmâm Gazâlî. Mişkâtü'l-Envâr (Nurlar Feneri) trc. Süleyman Ateş. İstanbul: Bedir Yayınları, 1994. – Б. 21-22.
3. Hücetül-İslâm İmâm Gazâlî. Kimyâ-yı Saâdet (Mutluluk Hazinasi). I-II, trc. A. Faruk Meyan. İstanbul: Bedir Yayınları, 1977. – Б. 29.
4. Hücetü'l-İslâm İmâm Gazâlî. Ihyâu 'Ulûmi'd-Dîn. (Cilt-1). Rub'u'l – Ibâdât. Dokuzuncu Kitâb: Kitâbü'z – zikr ve'd da'avât (zikr ve duâlar kitâbi). İstanbul: Bedir Yayınları, 1974-1975. – Б. 872.
5. İmâm Gazâlî. Meâricül' Kuds (Mukaddes Merdivenler), Çev. Yaman Arıkan. İstanbul: Eskin Matbaası, 1971. – Б. 54-55.
6. Əbu Hamid Əl-Qezali. Mizan əl-əmel (Əməllərin mizani) və başqa əsərləri. Bakı: Adiloğlu, 2007. – Б. 103.
7. GAZÂLÎ. Cehaletten Korunmak. Çev. Halil Aldemir. İstanbul: Polen Yayınları, 2005. – Б. 244.
8. İmâm Gazâlî. el-Munkızu mine'd-dalâl, trc. Hilmi Güngör. Ankara: Türkiye Cumhuriyeti Maarif Vekâleti Yayın-ları, 1960. – Б. 5.

Муҳаррир:  
**Г.А.Мардонова**

Таржимонлар:  
**З.Т.Бобоева**  
**Ж.Азизов**

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими**  
**(электрон журнал)**  
**2020 йил, декабрь сони**

**Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй**